



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 декабр куни Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ерлан Идрисовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, қардош Қозоғистоннинг раҳбарияти ва халқини тарихий сана — Қозоғистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги билан яна бир бор самимий табриклади.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида қарор топган ва чуқур тарихий илдизларга эга ишончли ва самарали муносабатлар мамлакатларимиз ва халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатлари жавоб бериши ва ўзаро ҳамкорликнинг барча йўналишларида бугун жадал ривожланётгани таъкидланди.

Қозоғистон ташқи ишлар вазири самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдириб, давлатимиз раҳбарига ва Ўзбекистон халқига Президент Нурсултон Назарбаевнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромини етказди.

Ерлан Идрисов давлатимиз раҳбарини Президент сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан яна бир бор муборакбод этди. Учрашувда мамлакатларимиз яқин қўшни ва вақт синовидан ўтган ҳамкорлар сифатида Ўзбекистон ва Қозоғистонда, бутун Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан, иқтисодий, ижтимоий тараққиёт ва фаровонликдан бирдари манфаатдор экани қайд этилди.

Шу нуктаи назардан, Қозоғистоннинг 2017 — 2018 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгаши таркибига муваққат аъзо этиб сайлангани ва Ўзбекистон томонидан кенг қўллаб-қувватлангани Марказий Осиё давлатлари манфаатларини глобал миқёсда ҳимоя қилиш учун янги имкониятлар яратди.

Суҳбат чоғида томонлар Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларига оид, авваламбор, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация соҳаларида ҳамкорликнинг барча йўналишлари юзасидан атрафлича фикр алмашди. Хусусан, савдо соҳасида йирик шериклар бўлган Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва кенгайтириш, бу борадаги барча имкониятларни ишга солишга тайёр экани таъкидланди.

Томонлар икки ва кўп томонлама серкира ҳамкорлигининг бугунги даражасидан, мамлакатларимиз ҳукуматлари, ҳужалик субъектлари ва худудлари ўртасидаги алоқаларнинг фаоллигини мамнуният билдириб, Абдий дўстлик ва Стратегик шериклик тўғрисидаги давлатлараро шартномалар руҳида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этдилар.

Учрашувда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2016 йил 23 декабр куни халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилояти ўзининг географик жойлашуви, табиий иқлим шароити, иқтисодий, кадрлар салоҳияти билан мамлакатимизнинг тарихи ва бугунги ҳаётида ўзининг муносиб ўрнига эга эканини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Жиззах туманини Шароф Рашидов тумани деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилганини айтди.

Мустақиллик йилларида вилоят ҳар томонлама ривожланди, унинг шаҳар ва қишлоқлари янада обод бўлиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошди. Худудда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 2013 йилда ташкил этилган «Жиззах» эркин иқтисодий зонасида ўтган давр мобайнида қиймати 76 миллион долларлик 14 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Ҳозирги кунда ушбу худуддаги қорхоналарда автомобиллар учун тор-мор қолодқчи, плазмали телевизорлар, музлаткич, электр печи, кир ювиш ва тикув машиналари, гилам, полипропилен ип каби юқори технологияларга асосланган, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

Сессияда асосий эътибор Жиззах вилоятида амалга оширилиши зарур бўлган масалаларга қаратилди.

Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида Ўз ечимини кутаётган муаммо ва масалалар аңчагина. Бун-

дай ҳолат, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида яққол кўзга ташланмоқда, деди Президентимиз. Жорий йилда вилоятда давлатга галла ва пахта сотиш шартнома мажбуриятлари бажарилмади. Оқибатда 37 минг тонна галла, 26 минг тонна пахта давлат эҳтижи учун етказиб берилмади.

Вилоятнинг аксарият туманларида чет эл инвестициясини кенг жалб қилиш, ташқи бозорга чиқиш, экспорт салоҳиятини ошириш борасида камчиликларга йўл қўйилаётди. Саноят қорхоналарини модернизация қилиш ва технология янгилаш, озиқ-овқат, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда янги қорхоналар ташкил қилиш, қурилиш соҳасини ривожлантириш борасидаги муаммолар ҳамон бартараф этилмаган.

Президентимиз қишлоқларда сановатни ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик қорхоналар барпо этиш билан аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари қониқарсиз эканини алоҳида қайд этди. Хусусан, Арнасой, Зафаробод, Зарбдор, Янгиобод, Галлаорол туманларида янги сановат қорхоналари деярли қурилмапти.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишдаги сусткашлик, янги қорхоналарни ишга тушириш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги лойиҳалар ижроси талаб даражасида эмас.

Вилоятнинг барча туманларида аҳолини иш билан, яъни даромад билан таъминлаш имкониятлари мавжуд. Масалан, Зомин туманида доривор ўсимликлардан фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш-

нинг катта манбаи мавжуд бўлгунча, бу имкониятдан етарли фойдаланилмапти. Бунга ўхшаш мисолларни бошқа туманлардан ҳам келтириш мумкин.

Келгуси беш йилда вилоятда экспорт ҳажмининг камида 2 баробар, экспортчи қорхоналарни 2,7 марта кўпайтириш, экспортда улуши паст бўлган туманларнинг бу борадаги натижаларини яхшилаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди. Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ва модернизация қилиш масаласига устувор аҳамият қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтгани муносабати билан Сайфиддин Исмоилов Жиззах вилояти ҳокими лавозимидан озод қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси департаменти мудири вазифасида ишлаб келаётган Улуғбек Ҳасенов Жиззах вилояти ҳокими этиб сайланди.

Арнасой тумани ҳокими Э.Солиев, Зарбдор тумани ҳокими И.Бобононов, Жиззах шаҳар ҳокими А.Тўхтаев, Пахтакор туманидаги «Анвар-А» фермер ҳўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони А.Эшматов ва бошқалар Президентимиз нутқида Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳар томонлама таҳлил этилиб, истиқболдаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, вилоят аҳли билдирилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш ва вилоятни янада обод этиш учун астойдил меҳнат қилишини таъкидлади.

**М.ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА маҳсул муҳбири**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ**

**Г.МЕЛЬНИКОВАГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ АРТИСТИ» ФАХРИЙ УНВОНINI БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясидаги кўп йиллик самарали ижодий фаолияти, дикторлик санъатини ривожлантириш, халқимизнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун Галина Витальевна Мельниковага «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвони берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 23 декабр

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ**

**У.Й.УЗОҚОВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ
ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ: **Улуғбек Йўлдошев** Жиззах вилоятининг ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 23 декабр

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ**

**С.У.ИСМОИЛОВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ
ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ: **Сайфиддин Умарович Исмоилов** Жиззах вилоятининг ҳокими лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 23 декабр

Юсак эътироф

ХАЛҚ АРДОҒИДА ЯШАШ — УЛУҒ БАХТ

Мамлакатимизда миллий маданиятимиз, санъатимиз ва оммавий ахборот воситаларини равнақ топтириш, соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги ижодий марралар сари руҳлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар йили мазкур соҳалар ходимлари Ватанимизнинг юсак мукофотлари билан тақдирланаётгани, халқаро ва мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловлар ғолибига айланаётгани бу борадаги ишларнинг амалий намунасидир.

2016 йил 23 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармонида кўра, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясидаги кўп йиллик самарали ижодий фаолияти, дикторлик санъатини ривожлантириш, халқимизнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун Галина Мельниковага «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвони берилди.

Галина Мельниковани табриклаш мақсадида давлат ва жамоат таш-

килотлари вакиллари, оммавий ахборот воситаларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлар, олий ўқув юртинининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалар жам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг «Г.Мельниковага «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвонини бериш тўғрисида»ги фармони Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов Галина Мельниковага Ўзбекистон Республикаси халқ артисти фахрий унвони нишони ва гувоҳномасини тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши ра-

иси Ш.Усмонов, Республика Байналмилал маданият маркази директори ўринбосари С.Миронов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, суҳандон Д.Умарова ва бошқалар мамлакатимизда инсон ва унинг меҳнати эъзозланиб, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, эзгу орзуларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган изчил ислохотлар натижасида элу юрт равнақи йўлида фидойилик кўрсатган фахрийларни қадрлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш каби азалий удумларимиз янгича мазмун билан бойиди.

Галина Мельникова — олий тоифали суҳандон, телевидениеда 1956 йил 26 декабрдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Кўп йиллар давомида «Ахборот» информация дастурини суҳандонлик қилган, турли тантанали маросимларни олиб бorgan.

Ижодкорнинг олти йиллик умри «зангори экран»даги фаолия-



ти билан боғлиқ. У «Дўстлик», «Фидокорона хизматлари учун» орденлари соҳибаси, Халқаро «Олтин қалам» мукофоти соҳибдори.

— Табарруқ ёшда яқинларинг эъзозидан юриш бир неъмат бўлса, давлатимизнинг гамхўрлигидан баҳраманд бўлиш янада улкан бaxт, — дейди Галина Мельникова. — Бундай эътибор ва эъзоз учун Президентимиздан ниҳоятда миннатдорман. Биз, фахрийлар доимо халқимизга, давлатимизга кераклигимизни ҳис қилиб, бошимиз осмонга етди. Тинч-осойишта, фаровон ўтаётган ҳар бир кунимизга шукроналар

айтаман. Ёшларга ўтмиш хотираларим, ҳаёт тажрибам ҳақида сўзлаб, бугунги дорилмомон кунларнинг қадрига етиш, давлатимиз томонидан яратилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиш лозимлигини уқтираман. Бизга эҳтиром кўрсатган инсонларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилайман. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка кўз тегмасин.

Санъаткорларнинг концерт дастури ййғилганларга хушнудлик бағишлади.

**Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА муҳбири**

Давра суҳбати

**Ўзбекистон касаб
ушмалари
Федерацияси
томонидан «Меҳнат
соҳасидаги
муҳим аҳамиятга
молик масалалар»
мавзусида
давра суҳбати
ўтказилди.**

**Меҳнат
соҳасидаги
муҳим
масалалар
муҳокамаси**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Бош прокуратура, Марказий банк, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, ҳамкор ташкилотлар, иш берувчилар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, тармоқ касаб уюшмалари Республика кенгашлари ва худудий касаб уюшма ташкилотлари бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди.

ЎзКУФ Ўқув марказида ташкил этилган тадбирда иштирокчилар томонидан ижтимоий-меҳнат муносабатларининг муҳим компонентлари бўлган бандлик, ижтимоий ҳимоя, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ва галдаги вазифалар муҳокама этилди.

» (2).



Қонунлар

*давр талабига
мувофиқлаштириб
борилаверади*

>> 2



**Замонамиз
Навоийси**

>> 3

БУГУННИНГ НАФАСИ


Меҳнат соҳасидаги муҳим масалалар муҳокамаси

№(1).

Таъкидлаш зарурки, Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан республикамиздаги барча туман ва шаҳарларда, сўнгра худудлар миқёсида худди шундай давра суҳбатлари ташкил этилган эди. Ушбу тадбирларда ходимлар томонидан ўртага ташланган ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид саволлардан аксарияти жойида ҳал этилишига эришилди. Шу билан бирга, республика миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар мазкур давра суҳбатига тақлиф этилган тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари эътиборига ҳавола қилинди.

Хусусан, бандлик, ижтимоий ҳимоя, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, корхона, ташкилот ва муассасаларда ижтимоий ҳимоя ҳамда меҳнат муҳофазаси тадбирларини молиялаштириш, қишлоқ жойларда пластик карточкалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга оид худудлардан келган мурожаатларнинг ечимини топиш бўйича қизгин фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Баҳс-мунозарарга бой ўтган тадбир давомида худудлардаги касаба уюшма фаоллари томонидан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига оид масалалар бўйича тўпланган саволларга вазирлик ва идоралар, Марказий банк мутасаддиларининг жавоблари олинди, уларни тўлақонли ҳал этиш мақсадида ижтимоий шериклини кучайтириш масаласига урғу берилди.

Давра суҳбати давомида жорий йилда республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй берган қатор ижобий ўзгаришлар алоҳида таъкидланди. Жумладан, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилингани, «Касаба



уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани, Халқаро меҳнат ташкилотининг «Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-сонли Конвенцияси ратификация қилингани эътироф этилди. Давлат хизматчиларининг меҳнатини тартибга солиш ҳусусиятини қонун билан белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан давлат муассасалари ходимларининг масъулиятини оширишни, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлашни кўзда тутувчи «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш вазифаси кўйилгани муҳим воқеа сифатида қайд этилди.

Иштирокчилар томонидан мамлака-

тимизда аҳолининг реал даромадларини ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий масалаларни ечиш борасида олиб борилаётган тизимли ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, самарали меҳнат учун зарур шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий ўй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам олиш, хордиқ чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш — буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги息лохотларимиз моҳияти ва мазмунини белгилаб берадиган муҳим омиллар эканлиги эътироф этилди.

Мазкур талаблардан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари томонидан ҳам ходимларнинг ижтимоий-иқтисо-

дий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасидаги ишлар кучайтирилгани айти мудида бўлди. Ҳозирда мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш, унинг таркибида хусусий мулк улушини кўпайтириш баробарида ижтимоий-меҳнат соҳасидаги масалаларни самарали ҳал этиш учун яратилган мустақкам ҳуқуқий негиз ва таъсирчан амалиёт натижасида хусусий секторнинг тобора ривож топаётганини таъкидлаш зарур. Мазкур жараён меҳнат соҳасида фаолият юритувчи мамлакат касаба уюшмалари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Хусусан, янги ташкил этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини касаба уюшмаларига жалб этиш, жамоа шартномаларини тузиш, бу орқали уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳа-

сидаги ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув муҳим аҳамият касб эътирофи. Чунки, давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги самарали ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шериклининг ижтимоий-меҳнат муносабатларини янада ривожлантириш, турли соҳа ходимлари ижтимоий ҳимоясини самарали таъминлаш имкониятларини кенгайтираётгани халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда Бош келишувдан келиб чиққан ҳолда жамоа шартнома ва келишувлари ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини давр талаби асосида зарур тадбирлар билан бойитиш, бу орқали ходимларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш борасида олиб борилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилди.

Давра суҳбати якунида меҳнатни муҳофаза қилиш, иш ўринларини шаходатдан ўтказиш, ходимларни махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, қишлоқ хўжалиги ходимларига бериладиган кафолатлар, пластик карточкалар воситасида тўловларни амалга ошириш масалаларига оид ўртага ташланган саволларга аниқ ва батафсил жавоблар берилди, келгусида ушбу йўналишлардаги ишларни кучайтириш борасида келишиб олинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати

Таҳлил

Жорий йилнинг 22 сентябр кунини янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Иш жараёнидаги хавфсизлик


Мазкур ҳужжат матнида меҳнат муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги халқаро тажриба ҳисобга олинди. Айниқса, қонунга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатилиши таъминлаш юзасидан талаблар киритилди ва бошқа давлат бошқаруви органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари белгиланиши назарда тутилди.

Шу билан бирга, унда жамоавий ҳимоя воситалари, зарарли ишлаб чиқариш омилли, иш ўрни, ишлаб чиқариш фаолияти, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса, касб касаллиги, меҳнат шароитлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнатда майиб бўлиш, ноқулай ишлаб чиқариш омиллари, хавфли ишлаб чиқариш омилли, шахсий ҳимоя воситалари каби тушунчаларга атрофлича таъриф берилган.

Қолаверса, ташкилотларда иш берувчи ва ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш бўйича масъулиятини ошириш, шу жумладан, ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш чораларини кўриб бориш белгиланган.

З.ОТАХҲАЕВ,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Семинар



Қонунлар

давр талабига мувофиқлаштириб борилаверади

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Тошкент политехника музейида янги таҳрирда қабул қилинган «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонуннинг амалга киритилиши муносабати билан соҳа тизимидаги жамоаларда фаолият олиб бораётган меҳнатни муҳофаза қилиш вакиллари, бошланғич ташкилот етакчилари иштирокида ўқув-семинар ташкил этилди.

Иштирокчилар даставвал музейнинг бой, бетакрор экспонатлари билан танишди. Айниқса, автомобилсозликнинг ўзига хос тарихи билан боғлиқ оддий аравадан тортиб, биринчи бор ишлаб чиқилган автомобил нусхалари барчада катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, мамлакатимизнинг турли худудларидан барпо этилган автомобил, юк машиналари, техник эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкони бўлди.

Шундан сўнг тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Аҳмаджон Ҳаққулов ушбу қонуннинг корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимлар ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Равшан Маҳаммадалиев ҳамда ҳуқуқшунос Ленара Ҳикматова мазкур қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга бирма-бир тўхталиб, батафсил шарҳлаб беришди. Жумладан, меҳнат жамоаларида қўйилмаган ҳалокатларнинг олдини олиш бўйича қилинадиган ишлар, уларни бажарадиган ва назоратини олиб бориши зарур бўлган масъул шахслар ва уларнинг вазифалари аниқ кўрсатиб ўтилган. Бахтсиз ҳодиса рўй берганда масъулларга белгиланадиган жавобгарлик, текшириш ишларини олиб борувчи мутасаддилар ва улар амалга оширадиган ишларга оидлик киритилган. Эътиборлиси, қонуннинг янги таҳририга биноан эндиликда ушбу йўналишда фаолият олиб бораётган касаба уюшма мутахассисларига ҳам тегишли ваколатлар берилган бўлиб, уларнинг зиммасига муҳим вазифалар юкланган.

— Жамиятимиз кундан-кун ривожланиб бораёпти. Тараққий қилган сайин, турган гапки, шароитлар ҳам ўзгаради. Ҳуқуқий давлат барпо этар эканмиз, қонунларимиз талаб ва шароитлардан келиб чиққан ҳолда мувофиқлаштириб борилаверади, — деди тармоқ Республика кенгаши раиси ўринбосари Шоикром Исроилов. — Ишчилар меҳнатини янада самаралироқ муҳофаза қилиш мақсадида қабул қилинган ушбу қонуннинг янги таҳрири юқоридagi фикримизга яққол мисол бўла олади.

Тадбир сўнгида иштирокчиларнинг мавзу юзасидан берган саволларига мутахассислар томонидан жавоб берилди.

Дилором АЛЛАКУЛОВА,
«Ishonch» мухбири.
Иқром ҲАСАНОВ олган сурат.

Маънавият соати

Инсон манфаатлари учун

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» мавзусида «Маънавият соати» ўтказилди.

Унда Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси сиёсий шарҳловчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, ЮНЕСКО академиги Қобилбек Каримбеков маъруза қилиб, юртимизда сўнги 25 йил ичида қўлга киритилган бемисл ўзгаришлар ҳақида сўз юритди. Шунингдек, Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳаётимизда тутган ўрни, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига киришиш



маросимидаги маърузаси аҳамиятига тўхталди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, тармоқ ка-

саба уюшмалари Республика кенгашилари, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари ҳамда

ОАВ ходимлари иштирок этди.

Давронбек ОРИПОВ,
«Ishonch» мухбири

Ижтимоий шериклик

Шавкат Турсунов электр тармоқлари соҳасида 18 йиллик иш тажрибасига эга. Кўп йиллар Навоий вилояти ҳудудий электр тармоқлари корхонаси муҳандиси лавозимида хизмат қилган. Бундан уч йил муқаддам жамоа уни касаба уюшма етакчилигига бир овоздан сайлади.

Бу қуюнчак инсон жамоа манфаати йўлида олиб-югуришдан чарчамайди. Ёрдам сўраб келган ходим унинг ҳузуридан ноумид қайтмайди.

— Касбимиз жуда нозик, ҳар лаҳза хушёрликни талаб этади, — дейди етакчи биз билан суҳбатда. — Ишга эътиборли бўлиш учун кўнгил хотир-жамлиги, оилавий тотувлик зарур. Корхонамизда 1103 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Уларга талаб даражасида меҳнат шароитини яратиш бериш, ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоя қилиш биринчи галдаги вазифаларимиздан. Бу борада жамоа шартномасида белгиланган талабларни тўлиқ бажариш муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, жамоа шартномаси асосида ҳар йили ишлаётган ёш ходимлар ва эҳтиёмандларга уй-жой, оилавий шароитини яхшилаш мақсадида ёрдам берилади. Жорий йилда турар жой қуриш учун иш берувчи томонидан 420 млн. сўм миқдорда фоизсиз ссуда ажратилди. Эҳтиёманд оила вакилларининг 45 нафарига моддий кўмак кўрсатилди.

Корхонамизда хотин-қизларга им-

Устуворлик

тиёзли иш соатлари жорий этилиб, уларни ишдан кейинги юмушларга жалб қилишга барҳам берилган. Ўтган фурсатда соҳада меҳнат қилаётган аёлларни рағбатлантиришга 42 млн. сўм миқдорда маблағ сарфланди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ходимлар фарзандларига қатор афзалликлар яратиш беришни режалаштирилган. Ходимлар фарзандларининг бир қисми ёзги оромгоҳларда касаба уюшма маблағи ҳисобидан бепул дам олдирилди. Маъмурият томонидан 3 нафар ўқувчи дарслик ва ўқув қуроллари олиб берилди. Шунингдек, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 6 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди. Жамоа аъзоларига белгиланган мезъор асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тарқатилди. Бундан ташқари, 60

нафар аёлнинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳати ташкил этилди. Корхона ходимлари ва уларнинг оила аъзоларидан 45 нафарига республика санаторийларига йўланмалар берилди.

Корхонамизда бандлик дастури бўйича ёш мутахассислар учун барча шароит яратилган. Жорий йилда 101 нафар фуқаро бўш иш жойларига қабул қилинди. Шундан 6 нафари коллеж ўқувчилари ва 8 нафари олий таълим муассасалари битирувчиларидир.

Ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш доимий эътиборда. Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида «Маънавият соатлари» ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари, корхонамизда «Ишонч телефонлари» фаолияти самарали йўлга қўйилган.

Меҳнат муҳофазасига риоя этиш, хавфсизлик техникасини амалда

қўллаш юзасидан соҳа ходимлари ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналари мутахассисларини жалб этган ҳолда давра суҳбати ва тадбирлар ташкил этдик. Корхонада меҳнат қилаётган ходимлар иш коржомалари, керакли воситалар билан таъминланган. Улар маҳоратини оширишга қаратилган тадбирларимиз, жамоа шартномасида кўзда тутилган маблағларнинг ўз ўрнида сарфланаётганлиги ижобий натижа бераётган.

Албатта, барча саъй-ҳаракатларимиз корхона ишчиларининг саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган. Келаётган 2017 йилда ҳам ана шундай эзгу ишларни изчил давом эттирамиз.

Дилафрўза ҲАҚИМОВА,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига

Замонамиз Навоийси

Ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов ўзининг сермазмун, бадий юксак шеър ва достонлари, драматик асарларида она Ватанимиз ва халқимизга, миллий қадриятларимизга меҳр ва садоқат туйғусини юксак маҳорат билан тараннум этди. Унинг бетакрор ижоди миллий руҳи ва халқчиллиги, ҳаётлиги билан адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади. Шунингдек, шоир XX асрда борган сари «қувгин»га учраётган арузга янги ҳаёт бағишлаган ижодкордир. «Рубобим тори иккидур» деб бошланмиш газалининг бир байтини таҳлил қилиб кўрайлик:



Жаҳоннинг меҳри иккидур: бири — сенсан, бири — офтоб, Тарозу палласи икки: бири Ердур, бири Гардун.

ижтимоий фаолияти янада ёрқин намойён бўлди. Ватанимиз озодлиги, халқимизнинг эркин, обод ва фаровон ҳаётини тараннум этадиган, инсон кадр-қимматини улуглайдиган бир қанча янги шеърли асарлари, она тилимиз, миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз меросини асраб-авайлашга бағишланган китоблари, бунёдкор замондошларимизнинг фидокорона меҳнати, юртимиздаги улкан ислохот ва ўзгаришлар ҳақидаги публицистик мақолалари кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Угузал водий фарзандлари каби аския, юморга бой инсон эди. «Донишқилоқ хангомалари»даги Матмуса халқимизнинг ҳам соддалиги, ҳам топқир ва зукколигини ярқиратиб кўрсатадиган бебаҳо образ. Ёки «Бошиндадур» ҳажвиясида ўтган асрнинг 60-йилларида ўзини замонавий йигит қилиб кўрсатмоқчи бўлган кимсаларнинг кулгили қиёфаси акс эттирилган.

Севимли шоиримиз шахмат ишқибозларидан бўлиб, ижодкорлар ўртасидаги мусобақаларда бир неча бор ғолиб чиққан. «Шахмат инсонни севишга ўргатади, — дер эди. — Мен шахматни фақатгина спорт ёки илм, ё санъат деб эмас, балки жуда катта тарбиячи деб ҳисоблайман. Шахмат, биринчи навбатда, инсондаги курашчанлик ва ғалабага ишонч руҳини тарбиялайди. Ундан кейин бу ақл гимнастикаси хатони кечирмайди. Мана ғалабага етдим деб турганимда ҳам озгина бепарволик мағлубиятга олиб келади. Шунинг учун шахмат жудаям адолатли ўйин. Аниқроғи, адолатнинг ўзи».

Ҳақиқатан ҳам шеър ва шахмат бир-бирига ўйлаш. Шахматда ҳам илҳом бор, худди шеърда бўлганидек:

**Агар шахмат ўйнаганимда
Ўйлагандек ўйлаганимда,
Этти ўлчаб бир сурсайдим от,
Бўлмас эдим ҳар қадамда мот.**

Эркин Воҳидов 1990 — 1995 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгаши кўмитаси раиси, 1995 — 2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва Парламентлараро алоқалар кўмитаси раиси, 2005 — 2009 йилларда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси каби масъул лавозимларда самарали фаолият олиб борди. Айни пайтда тажрибали ижодкор, жонқуяр ташкилотчи сифатида кўплаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди.

Эркин Воҳидовнинг ўзбек адабиёти ва санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон халқ шоири», «Ўзбекистон Қаҳрамони» фахрий унвонлари, «Дўстлик» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Эркин Воҳидовнинг 80 йиллик юбилейини ўтказиш, шоирнинг номини абадийлаштириш, ҳайкалини ўрнатиш тўғрисидаги фармонини халқимиз қувонч билан қутиб олди. Атоқли шоир, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсоннинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

**Жамолiddин МУСЛИМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Наманган вилоят бўлими раҳбари,
Абдумуталлиб ҚОСИМОВ,
публицист**

Муносабат

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасини катта қизиқиш ва ҳаяжон билан тингладим. Унда қатор янги фикр ва ғоялар илгари сурилдики, бу ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Айниқса, қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш йўлидаги муҳим вазифалар, қилиниши лозим бўлган ишлар аини кўнглимиздаги гап бўлди.

Кўнглимиздаги гаплар

Масалан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш йўлидаги ҳаракатлар, суд-хуқуқ соҳасида адвокатуранинг ўрни ва ролини янада ошириш жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиради. Ахир, адолатнинг ўзи қонун устуворлигининг асосий талаби эмасми?

Маълумки, халқ билан янада яқинроқ бўлиш учун Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси ташкил қилиниб, қанчадан-қанча фуқароларнинг дарди тингланди, муаммолари ўз ечимини топди. Ҳар бир туман ва шаҳарда «Халқ қабулхоналари»нинг иш бошлаши ҳам мақсадга мувофиқ иш бўлди. Эндиликда ҳар бир фуқаро ўзини қийнаётган масалаларга бевосита яшаш жойининг ўзидаёқ ечим топиши имконига эга.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига қўйилган тақлиф ҳам эътиборимни тортди. Яъни, сенаторлар ўзлари сайланган ҳудуддаги ижроия ҳокимият органи, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини

ўрганиб, таҳлил қилиши ва тегишли хулосаларни бериши ҳам, шубҳасиз, адолат тамойилларига ва инсон манфаатларига хизмат қилади.

Умуман олганда, янги 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши ҳар биримизнинг зиммамизга янада кўпроқ масъулият юклайди. Шундан келиб чиққан ҳолда фаолиятимизда бунга алоҳида эътибор қаратганимиз. Жумладан, «Қарши ёғ-экстракция» акциядорлик жамияти касаба кўмитаси раиси

уюшма кўмитасига 2016 йилнинг ўн бир ойда 200 га яқин мурожаат бўлди. Унга кўра, оилавий шароитини тиклаш, даволаниш, доридармон сотиб олиш ва тўй маросимларини ўтказиш учун ходимлардан 74 нафарга моддий ёрдам берилди. Эҳтиёжманд оилаларнинг 150 нафар фарзанди соғломлаштирилди. Хуллас, ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмади.

Бир сўз билан айтганда, маърузада илгари суйрилган ҳар бир вазифани таҳлил қилар эканман, Президентимизнинг халқимиз хоширодаси, ҳаёт тарзи ва муаммоларини чуқур ва теран билишининг яна бир бор гувоҳи бўлдим. Агар белгиланган устувор вазифалар ҳаётга татбиқ этилса, шубҳасиз, юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшилади.

**Шоди ТОШНИЁЗОВ,
«Қарши ёғ-экстракция»
акциядорлик жамияти
касаба уюшма
кўмитаси раиси**

Очиқ дарс




Авлодлар камоли йўлида

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 150-умумтаълим мактабида «Саводхонлик байрами» шоири остида Очиқ дарслар ўтказилди.

— Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигида сўзлаган нутқида таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратди, — деди мактаб директори Комила Орипова. — Хусусан: «Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз», дедилар. Бизнинг саъй-ҳаракатимиз ҳам шунга қаратилган бўлиб, бунда ўқитувчиларимиз ўзаро тажриба алмашади. Янгича методлар асосидаги очиқ дарслар ўқувчилар учун ҳам эса қоларли бўлиш баробарида, уларнинг ўқиб-ўрганишга бўлган иштиқини оширади.

Байрамона руҳда ўтган дарсларда саҳна кўринишлари, топқирлик ўйинлари ташкил этилди. Фаол ўқувчилар рағбатлантирилди.

Ўз мухбиримиз



Кўғирчоқ театри

Янги йил туҳфаси

Ўзбекистон тумани маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги «Фунча» кўғирчоқ халқ театри ижодий жамоаси ёш авлоднинг миллий анъаналарга садоқат, ростгўйлик, меҳрибонлик, саҳийлик, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ижодий жамоа Янги йил байрами арафасида жажжи ўғил-қизларга яна бир туҳфа тайёрлади. Янги саҳналаштирилган «Бобоқўёш» номли спектакл ёш авлодга қўёш тимсолида одамларга меҳр-муҳаббат, ғам-хўрлик кўрсатиш, очиқ-кўнгиллик каби вазилатларни шакллантириши шубҳасиз.

Бош режиссёр Одинахон Раҳимова, театр артистлари Сарварбек Эшонқулов, Зулфия Хошимова, Нозим-Жан Сиддиқовларнинг саъй-ҳаракати билан бугун «Фунча» театри нафақат Фарғона вилояти, балки республика миқёсида ҳам қатор муваффақиятларга эришиб келаётир. Ижодий жамоанинг томошаларини болажонлар катта қизиқиш ва хурсандчилик билан кутиб олмоқда.

**Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири**

Миннатдорлик

Яқунланётган йилда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, фуқароларимизнинг соғлом ҳаёт кечирishiга кенг эътибор қаратилаётгани барча нурунийлар қатори мени ҳам беҳад қувонтиради.

Шифокорлар соғ бўлсин!

Узим 40 йилдан ортиқ тиббиёт соҳасида ишлаганман. Самарқанд тиббиёт институтини тугаллагач, Хатирчи туманидаги қишлоқ касалхоналарида хизмат қилдим. Шифокор ҳам инсон, у ҳам соғлигини мустаҳкамлаб туриши лозим. Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги Санатор-курортлар бошқармасига қарашли «Умид гулшани» санаторийида даволаниб чиқдим. У ердаги шароитларни кўриб қувондим. Биз бир пайтлар қишлоқ касалхоналарида оддий шароитларда одамларни даволаганмиз. Бугун тиббиёт ривожланган, шифокорларимизга яратилган шарт-шароитлар ҳар жиҳатдан мақтагулик.

Келаётган йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. Бу барча юртдошларимизнинг кўнглидаги гап бўлди. «Умид гулшани» санаторийи шифокорларига ушбу йилда ҳам мустаҳкам соғлом, ишларидо омад ёр бўлишини тилайман. Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида ҳеч қачон чарчаманг, азизлар.

**Ақтам НУРМАМатов,
олий тоифали шифокор-валеолог**

Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси

Меҳнаткаш халқимиз ва соҳа ходимларини қириб келаётган ЯНГИ — 2017 йил билан самимий муборакбод зинади.

БАЙРАМ БАРЧАМИЗГА ШОДУ ХУРРАМИК, ФАРОВОНЛИК, БАХТ-САОДАТ ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ОЛИБ КЕЛСИН!

Реклама

«Ko'chmas mulk savdo xizmati»

МЧЖда 2016 йил 22 декабр кунлари ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

Тошкент шаҳар, Сергили тумани, Авишаҳарча, 75-уй манзилида жойлашган, «Orta Osiyo Maxsus Qurilish» давлат бирлашмаси, бошланғич баҳоси — 505 182 000 сўм, сотилиш баҳоси — 525 900 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ЎзКУФК аъзоси, «Самарқанд халқаро аэропорти» ДУК касаба уюшма кўмитаси раиси

Зиё ЖУРАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

ТАБРИКЛАЙМИЗ, ҚУТЛАЙМИЗ!



TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ


«ТРАСТБАНК»
хусусий акциядорлик банки жамоаси

Ватандошларимизни кириб келаётган Янги — 2017 йил билан муборакбод этади. Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!



«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»
ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни, жумладан, соҳа ходимларини яқинлашиб келаётган Янги — 2017 йил билан самимий қутлайди. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да Сиз азизларга мустаҳкам соғлик, бахтли ҳаёт, ишингизда муваффақиятлар ҳамisha йўлдош бўлишини тилайди. Доимо осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин!



КИМЁ ВА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Соҳа ходимлари ва қўшнмиз ақилли оғзиқиб қутлайдиган Янги — 2017 йил билан табриклайди.

Қўриб келаётган йил ҳаммага омадли келсин. Юртимиз тинч, осмонимиз беғубор, дастурхонимиз пўқин ва оиламизда доимо ҳурралибдилик бўлсин.



ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Ҳамюртларимизни кириб келаётган Янги — 2017 йил билан чин дилдан қутлайди. Ушбу йил юртимизга **ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК, ФАРОВОНЛИК ВА ҚУТ-БАРАКА ОЛИБ КЕЛСИН.**

МУАССИС:



O'zbekiston
kasaba uyushmalari
Federatsiyasi

2007-йил 11-январда
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
0116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir
Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in
Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek
Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan
Bedilov, Asror Ishanxodjayev,
Muhabbat O'rmonbekova,
Oksana Belousova, Timur Mamajonov
(bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshvay

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba,
poyshanba va shanba kunlari
chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi
shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan tarqalishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston
Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A. Abdullayev
Navbatchi:
N. Mahomov
Musahhirlar:
S. Shodiyeva
Sahifalovchi:
H. Abdullayev

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili:
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida
terildi va saqlandi».

Gazeta o'zbek usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi: 2 bosma tabaq.
Buyurtma f — 1215.
13560 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Tahririyat hisob raqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Ипотека банк» Яшилбод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

Boshiga topshirish vaqti — 00:40

Tr. f. d. — 01:20

2 3 4 5 6